

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛАНДАРОВ АЙБЕК РУЗИМБАЕВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПАРАТИВЛИК  
КАТЕГОРИЯСИ ИФОДАЛАНИШИНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК: 811.111-115'362  
811.512.133-115'362

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Каландаров Айбек Рузимбаевич**

Инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик категорияси ифодаланишининг  
синтактик-семантик хусусиятлари ..... 3

**Каландаров Айбек Рузимбаевич**

Синтактико-семантические особенности выражения категории  
компаративности в английском и узбекском языках .....23

**Kalandarov Aybek Ruzimbaevich**

Syntactic and Semantic Peculiarities of the Expression of the Category of  
Comparativeness in English and Uzbek Languages ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛАНДАРОВ АЙБЕК РУЗИМБАЕВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПАРАТИВЛИК  
КАТЕГОРИЯСИ ИФОДАЛАНИШИНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil346 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усмонов Ўрол Усмонович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Сиддиқова Ирода Абдузукхуровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Лутфуллаева Дурдона Эсановна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233 45 21; факс: (99871) 233 52 24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233 45 21.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**Қ.П. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

**А. Қуронбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсидаги лингвистик тадқиқотларда компаративлик категориясининг моҳиятини ёритишдаги лексик, стилистик ва грамматик ёндашувларни бири-биридан фарқлаш, шунингдек, тилда компаративликнинг ифодаланиш усуллари, унинг функционал-семантик майдони, ўхшашлик ва ноўхшашлик микромайдонларининг таркиби каби муаммоларни ҳал этиш масаласида кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, компаративлик категориясининг турли масалаларига бағишланган кўпчилик тадқиқотларда муаммо лексик, стилистик ва семантик қатламларда тадқиқ этилган. Ушбу масалани тилдаги синтактик-семантик сатҳ нуқтаи назаридан атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё тилшунослигида компаративлик категориясининг аҳамияти тилнинг шакл ва мазмун томонларининг ўзаро узвий алоқасини таърифлаб беришда ҳамда анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганишда тобора ошиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан инглиз ва ўзбек тилларида компаративликнинг ифодаланиши, гапдаги ўрни, дифференциал синтактик белгилари ва синтактик сатҳдаги семантик майдони ҳамда компаратив синтаксемалар базасида ифодаланувчи нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгиларни ўрганиш каби устувор йўналишларда ундан унумли фойдаланиш ва тадқиқотларда самарали қўллаш эҳтиёжи мавжуддир.

Сўнги йилларда республикамизнинг тилшунослик соҳасида инглиз тилида компаративлик категориясини тадқиқ этиш, унинг тилдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишда жиддий ютуқларга эришилди. Шу билан бирга гап қурилмасининг анъанавий синтактик таҳлили талабга тўлиқ жавоб бера олмаслиги, яъни гап таркибидаги бирликларнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиб талқин қилиниши компаративликни ифодаловчи бирликларнинг синтактик сатҳдаги семантик моҳиятини аниқлаш ва уларни типологик жиҳатдан мукамал чоғиштирма таҳлил қилиш зарурлигидан далолат беради. Чет тиллар таълимига эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш алоҳида таъкидланган<sup>1</sup>. Шундай экан, мазкур тадқиқотда компаративликнинг турли тизимли тиллардаги синтактик мавқеи ва семантик хусусиятларини гап таркибини компонентларга ва синтаксемаларга ажратиш (моделлаштириш) каби замонавий тадқиқ усуллари билан очиб бериш долзарб муаммолар сирасига киради.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон / Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. - № 28.

тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшуносликка доир адабиётларда компаративлик категорияси олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ушбу соҳада кўплаб илмий ишлар амалга оширилган. Уларда асосий эътибор компаративликнинг бошқирд, рус, татар, инглиз ва ўзбек тилларидаги ифодаланиш усуллари, компаратив конструкциялар шакллари ҳамда компаративликнинг функционал-семантик майдонининг тузилишига қаратилган. Мазкур илмий ишлар лексик, стилистик ва семантик сатҳларда амалга оширилган. Ушбу категорияни ўрганишда ҳинд-европа ва туркий тиллар материаллари асосида иш олиб борган В.Ш. Хакимова, Л.А. Петроченко, Н.О. Федеряева, А.В. Николаева, О.В. Кравец, Е.А. Заруднева, Е.В. Шевчук, Р.М. Болгарова, М.В. Бондаренко, М.П. Айрапетова, Крис Кеннеди, Р. Блат, Р. Шварцилд<sup>2</sup> каби тилшуносларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Шу ўринда ўзбек олимларидан М. Мукаррамов, Н. Маҳмудов, Д.С. Худайберганова, О. Бозоров, Ж.Ш. Жумабаева, Н.Д. Ширинова, Л.Н. Элмуродованинг<sup>3</sup> ўзбек

---

<sup>2</sup> Хакимова В.Ш. Функционально-семантическая категория компаративности в современном башкирском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 1997. – 164 с.; Петроченко Л.А., Федеряева Н.О. О способах выражения категории компаративности // Вестник ТГПУ, Гуманитарные науки. Филология, 2006. - №9 (60). – С. 45-51; Николаева А.В. Функционально-семантическое поле компаративности в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов: РГПУ, 2002. – 166 с.; Кравец О.В. Функционально-семантическое поле компаративности в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Таганрог, 2003. – 150 с.; Заруднева Е.А. Компаративные конструкции в лингвокогнитивном аспекте: (на материале русского и английского языков), Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2007. – 17 с.; Шевчук Е.В. Релятивно-оценочные глаголы, передающие отношения эквивалентности, компаративности, превосходства, подобия и другие отношения соотносимости: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – СПб., 2009. – 20 с.; Болгарова Р.М. Семантика и функционирование сравнительных конструкций в русском и татарском языках // Филологические науки, – М., 2010. - №1. – С. 104-108; Бондаренко М.В. Градуальность как свойство лексики и основание для построения лексической парадигмы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2000. – 21 с.; Айрапетова М.П. Категория сходства в системе словообразования современного английского языка // Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – 24 с.; Kennedy Chris. Variation in the Expression of Comparison. – Chicago: Cornell University, 2005. – 19 p.; Bhatt R., Pancheva R. Late merger of degree clauses // Linguistic Inquiry. – US. The MT Press, 2004. Vol. 35. – P. 1-46; Schwarzschild R., Wilkinson K. Quantifiers in comparatives: A semantics of degree based on intervals // Natural Language Semantics. Institute of Scientific and Technical Information of China. Vol. 10. No 1.2002. – P. 1-41.

<sup>3</sup> Мукаррамов М. Сравнения и способы их выражения в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 21 с.; Маҳмудов Н. Ўхшатиш содда гапларда семантик-синтактик асимметрия // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. – №4. – Б. 32-33; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги ўхшатиш конструкцияларнинг семантик-стилистик хусусиятлари: Филол. фан номз. ... дисс.

тили материаллари асосида олиб борган изланишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Турли тизимга мансуб тиллардаги компаративлик категорияси синтактик сатҳда типологик категория сифатида компонент ва синтаксемаларга ажратиш усуллари орқали тадқиқ этилмаган. Мазкур диссертация ишининг юқоридаги мавжуд тадқиқотлардан фарқи шундаки, унда компаративликнинг гапдаги ўрни, дифференциал синтактик белгилари, синтактик сатҳдаги семантик майдони ҳамда компаратив синтаксемалар базасида ифодаланувчи нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилар ўрганилди. Гапни компонент ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш А.М. Мухин, Ў.У. Усмонов, Ш.С. Ашуров, Д.Т. Кубейсинова, М.Р. Жаллыбекова, М.С. Қаюмоваларнинг<sup>4</sup> илмий тадқиқотларига таянган ҳолда амалга оширилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университетининг «Инглиз тили назарий грамматикасининг долзарб муаммолари», «Инглиз тилини ўрганишда чоғиштирма тилшунослик ва адабиётшунослик, таржимашуносликнинг ўрни» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик категориясининг синтактик сатҳдаги семантик таркибини чоғиштирма тарзда ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз ва ўзбек тилларида компаративликнинг ифодаланиш усуллари ва уни ифодаловчи воситаларни тадқиқ қилиш;

компаративлик ўрнида келган компонентларнинг бошқа компонентлар билан синтактик алоқаларини юнкцион моделлар (лотинча «junction» сўзидан олинган бўлиб, у боғланиш, алоқа маъноларини ифодалайди<sup>5</sup>) ёрдамида ифодалаш орқали компаративликнинг синтактик ўрнини ўрганиш;

---

автореф. – Тошкент, 1989. – 22 б.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995. – 131 б.; Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2017. – 220 б.; Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фан номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 25 б.; Элмуродова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони): Филол. фан номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б.

<sup>4</sup> Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. – СПб.: Нестор, 2007. – 198 с.; Usmonov U.U., Nosirova R.A., Kubeysinova D.T. Actual Problems of English Theoretical Grammar– Samarkand: СамДЧТИ, 2015. – 156 р.; Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси: Филол. фан. номз .. дисс. – Самарқанд, 2007. – 155 б.; Кубейсинова Д.Т. Синтаксико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2008. – 151 с.; Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разносистемных языках: (на материале английского и каракалпакского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2008. – 156 с.; Қаюмова М.С. Инглиз ва ўзбек тилларида негативлик категориясининг синтаксем тадқиқи: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 27 б.

<sup>5</sup> Мухин А.М. Модели внутренних синтаксических связей предложений // Вопросы языкознания. – М., 1970. – №4. – С. 68.

компаративлик ифодаланган гаплар элементларининг дифференциал синтактик белгилари ҳамда морфологик хусусиятларини компонент моделлар асосида изоҳлаш;

гапда компаративлик ўрнида келган синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаш ҳамда компаративлик ифодаланган гапларнинг синтаксем таркибини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Т. Драйзер, Н. Робертс, Р. Соэсби, Б. Шоу, Т. Шевалье, В.С. Моэм, Мирмуҳсин, П. Қодиров, Тоҳир Малик, Шухрат, Ў. Ҳошимов каби инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг асарларидаги компаративлик ифодаланган гап қурилмалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги компаративлик ифодаланган гапларни компонентлар ва синтаксемаларга ажратган ҳолда уларни чоғиштирма тадқиқ қилиш тадқиқот предмети ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда чоғиштириш, трансформация (импликация, экспликация, ўрин алмаштириш), дистрибутив, статистик, компонент ва синтаксем таҳлил методлари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

компаративлик категориясини ифодалашда ўзбек тилида лексик (от, сифат, феъл, кўмакчи сўз туркумлари ва «ўзи» олмоши), инглиз тилида эса морфологик воситаларнинг (-oid, -like, -ly, -esque, -ian, -an, -ic, -ish) маҳсулдорлиги асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гап қурилмаларида компаратив бирликларнинг бошқа компонентлар билан синтактик алоқалари юнкцион моделлар ёрдамида кўрсатиб берилган, натижада компаративликнинг қайси гап бўлагига нисбатан келиши очиқ берилган;

компаратив элементли гаплардаги синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгилари ва уларнинг морфологик хусусиятлари компонент моделлар асосида изоҳланиши орқали компаративликни ифодаловчи от, сифат, феъл, кўмакчи ва боғловчилар далилланган;

компаративлик ифодаланган гапларнинг синтаксем таркиби ўрганилиши натижасида субстанциал компаратив, процессуал компаратив ва квалификатив компаратив синтаксемалар базасида ифодаланувчи 17 та нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Инглиз ва ўзбек тилларида гапларнинг синтактик таҳлиliga янгича ёндашув орқали гапдаги синтактик бирликларнинг ўзаро алоқалари (ядро предикатив, ядро бўлмаган предикатив, субординатив, координатив, аппозитив) аниқланиб, компаративликнинг гапдаги ўрни юнкцион моделлар асосида изоҳланди.

Гап таркибида компаративлик ўрнида қўлланган компонентларнинг бошқа компонентлар билан синтактик алоқа ёрдамида боғланишига кўра компаративликнинг гапдаги ўрни аниқланди.

Компаративликнинг инглиз ва ўзбек тилларида гап таркибида эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ўрнида келиши ҳамда унинг турли синтактик унсурлар воситасида ифодаланиши кузатилди. Компаративлик ифодаланган

гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш асосида уларнинг дифференциал синтактик белгилари аниқланди ва компаратив синтаксема базасида ифодаланувчи нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилар таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг чоғиштирма, дистрибутив, трансформация (импликация, экспликация, ўрин алмаштириш), статистик, компонент ва синтаксем таҳлил методлари билан асослангани ҳамда тадқиқот жараёнида замонавий инглиз ва ўзбек адиблари қаламига мансуб асарлардан олинган мисоллар таҳлил қилинганлиги билан белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, унда турли тизимга мансуб тиллар гап қурилмаларидаги компаративлик ўрнида келган синтактик бирликларнинг систем муносабатлари чоғиштирма нуқтаи назардан таҳлил этилди. Тадқиқотда компаративлик ифодаланган гапларнинг компонент ва синтаксем таркиби аниқланди, дифференциал синтактик бирликларнинг алоқалари уларни моделлаштириш усули орқали ойдинлаштирилди. Гап таҳлиliga бундай ёндашиш, ўз навбатида, синтактик типология ва назарий грамматикада мавжуд айрим баҳсталаб муаммолар ечимини топишга хизмат қилади. Ишда қўлланилган лингвистик методлар ёрдамида тадқиқот олиб бориш усули бу борадаги бошқа тадқиқотларга ҳам кенг йўл очади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, компаративлик ифодаланган гапларни лингвистик методлар асосида таҳлил қилиш натижаларидан бакалаврларга назарий, амалий ва чоғиштирма грамматика, магистрантларга лингвотипология, структурал тизимли лингвистика, таржима назарияси ва амалиёти, синтактик семантика каби фанлардан махсус курс ва семинар машғулотлар олиб бориш ҳамда мазкур соҳалар бўйича ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.**

Инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик категорияси ифодаланишининг синтактик-семантик хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик ифодаланган гапларни компонентлар ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш усуллари ОТ-Ф8-062-рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 майдаги 89-03-1924-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш мазкур лойиҳа доирасида нашр этилган «Структур синтаксис асослари» монографиясида синтактик бирликларнинг категориал ва нокатегориал белгиларини аниқлашга олиб келган;

гап қурилмаларида компаративликнинг синтактик ўрнини аниқлашда фойдаланилган юнкцион ва компонент моделлардан И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот коммуникацион

технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 майдаги 89-03-1924-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш, таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида услубий қўлланмалар яратиш ва ўқув дастурлари ишлаб чиқишда диссертацияда ишлаб чиқилган методлардан фойдаланилган;

компаративлик категориясининг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифодаланиш усулларида Хоразм ва Хива шаҳри тарихи ва анъаналарига доир туристик тарқатма материаллар таржимаси ҳамда Хива «Ичан қалъа» давлат музей кўриқхонаси тарихий обидалари ва асори атиқалари борасидаги гид таржимонлар ва йўриқчи-кузатувчиларнинг амалий таржима жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 03-22/7173-сон маълумотномаси). Мазкур асослаб берилган усуллар тарқатма материаллар таржимаси ва гид таржимонлар ва кузатувчиларнинг тушунтириш нутқларида компаративлик ифодаланган гапларнинг асл мазмунини сақлаб қолинишига ҳамда сайёҳларга кўрсатиладиган хизмат сифатини оширишга хизмат қилган;

компаративлик ифодаланган гапларнинг синтаксем таркиби тўғрисидаги хулосалар Хоразм вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2018 йилда эфирга узатилган «Мунаввар кун» дастурида фойдаланилган (Хоразм давлат телерадиокомпаниясининг 2018 йил 27 мартдаги 558-сон маълумотномаси). Инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик ифодаланган гапларнинг компонент ва синтаксем таҳлили натижалари – компаративлик категориясининг синтактик мавқеи ҳамда унинг ушбу сатҳдаги семантикаси каби мавзулар интеллектуал туркумдаги кўрсатув материалларини тайёрлаш ва бойитишда янги манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий тадқиқотда эришилган натижалар, хулосалар ва айрим тавсиялар ҳар йили ўтказиладиган УрДУ чет тиллари факультети илмий-услубий семинарлари ҳамда тилшунослик ва таржимашуносликка доир Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий ва илмий-назарий конференцияларда маъруза қилиб борилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Ишнинг асосий мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, хорижий илмий журналларда 1 та, хорижий конференция тўпламларида 2 та ва Республика ва ОТМ конференция материаллари тўпламларида 9 та – жами 20 та мақола ҳамда битта монография чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги, фойдаланилган лисоний методлар, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган ҳамда олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган. Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби **«Ҳозирги замон тилшунослигида компаративликни ўрганишга доир назарий қарашлар»** деб номланади. Унда компаративлик категориясининг умумий тилшуносликдаги энг муҳим муаммолардан бири эканлиги, уни инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштириб тадқиқ этиш, компаративликнинг синтактик сатҳдаги ўрни, уни ифодалашда боғловчиларнинг иштироки ҳамда стилистик омилларнинг аҳамияти ва бундан ташқари, бу мулоҳазаларни тадқиқ қилишда фойдаланилган лисоний методлар ҳақида фикр юритилди.

Мазкур тадқиқот ишида «компаративлик» термини иккита – намуна ва қиёсланувчи объектларнинг (нарса-буюм, белги, ҳолат, иш-ҳаракат) бири-бирига қиёсланиб ўхшаш ва фарқли жиҳатларининг намоён бўлиши маъносида ишлатилади.

Тилшуносликка доир илмий адабиётларга назар солсак, компаративликни категория сифатида тадқиқ қилишда турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Масалан, М.П. Айрапетова инглиз тилида лексик сатҳда ясама сўзлар устида тадқиқот олиб борган ва ўхшашликни ифодаловчи ясама сўзлар ҳамда уларни ясовчи қўшимчаларнинг таснифини келтирган<sup>6</sup>. А.В. Николаева эса инглиз тилида компаратив функционал-семантик майдонининг тузилишини ўрганиб, тилдаги компаративликни ифодаловчи қўшимчаларни шакл, сифат-белги ҳамда услуб-характерларнинг қиёсланишида иштирок этишига қараб учта гуруҳга ажратган<sup>7</sup>. Худди шунингдек, О.В. Кравец ҳам компаративликни функционал-семантик категория сифатида унинг рус тилидаги семантик майдонининг тузилиши ва бу майдон ўхшашлик ва ноўхшашлик микромайдонларидан иборатлигини исботлаган<sup>8</sup>. Л.А. Петроченко ва Н.О. Федеряевалар ҳозирги замон инглиз тилида компаративликнинг ифодаланиш усуллариини морфологик сатҳда ўрганиб, сифат ва равишларнинг қиёсий ва орттирма даража шаклидаги компаратив қурилма

<sup>6</sup> Айрапетова М.П. Категория сходства в системе словообразования современного английского языка // Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – 24 с.

<sup>7</sup> Николаева А.В. Функционально-семантическое поле компаративности в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов: РГПУ, 2002. – 166 с.

<sup>8</sup> Кравец О.В. Функционально-семантическое поле компаративности в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Таганрог, 2003. – 150 с.

шакллари очиб берган<sup>9</sup>. Е.В. Шевчук ўз тадқиқотида инглиз тилидаги феъллар устида изланиш олиб борган ва уларни эквивалентлик, компаративлик, устунлик ва ўхшашлик алоқаларини берувчи тўртта гуруҳга ажратган<sup>10</sup>. Крис Кеннеди инглиз тилида компаратив қурилмалар тўғрисида тадқиқот олиб бориб, ушбу қурилмани умумий тарзда қиёсийлик манбаси, қиёсийлик феъли, қиёсийлик морфемаси, стандарт белги ва қиёсийлик стандарти каби таркибий қисмларга ажратган<sup>11</sup>.

Ўзбек тилшунос олимларидан биринчи бўлиб М. Мукаррамов қиёсийлик устида иш олиб борган ва унинг лексик, морфологик ва синтактик ифодаланиш усуллари очиб берган<sup>12</sup>. Кейинчалик Н. Махмудов ҳамда Д.С. Худайберганодалар ўхшатиш конструкцияларининг семантик-стилистик хусусиятлари устида тадқиқот олиб бориб, ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг изоҳли луғатини яратишган<sup>13</sup>.

Мазкур диссертация ишининг мақсади эса инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик категориясининг синтактик сатҳдаги семантик таркибини чоғиштирма нуқтаи назардан тадқиқ қилиш бўлгани сабабли, юқорида санаб ўтилган ишлардан фарқли равишда компаративликка алоҳида синтактик категория сифатида ёндашилди ҳамда унинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифодаланиш усуллари, гапдаги ўрни, дифференциал синтактик белгилари, синтактик сатҳдаги семантик майдони ҳамда компаратив синтаксемалар базасида ифодаланувчи нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилар ўрганилди.

Инглиз тилида компаративликни ифодаловчи ҳар хил сатҳдаги воситалар билан бир қаторда компаративликнинг семантик категориялари устида иш олиб бориш компаративликнинг ўзига хос функционал-семантик майдонини вужудга келтиради. Ўз навбатида, бу майдон иккита – ўхшашлик ва ноўхшашлик микромайдонларидан ташкил топади ҳамда унинг ядроси сифатида уни ифодаловчи воситалар қаралади.

Инглиз тили гапларида компаративликнинг ифодаланишида боғловчиларнинг роли жуда муҳим ҳисобланади, чунки компаративликнинг уларсиз ифодаланиши оғзаки ва ёзма матнда жуда кам учрайди, бундан ташқари, бу ҳолат деярли фақат ноўхшашлик микромайдонида бир содда гапнинг ичида эмас, балки иккита содда гап ёки боғланган қўшма гапда содир бўлади.

Компаративликнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифодаланиш характери (иккита – намуна ва қиёсланувчи объектлар, ўхшашлик ва

<sup>9</sup> Петроченко Л.А., Федеряева Н.О. О способах выражения категории компаративности // Вестник ТГПУ, Гуманитарные науки. Филология, 2006. - №9 (60). – С. 45-51.

<sup>10</sup> Шевчук Е.В. Релятивно-оценочные глаголы, передающие отношения эквивалентности, компаративности, превосходства, подобия и другие отношения соотносимости: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – СПб., 2009. – 20 с.

<sup>11</sup> Kennedy Chris. Variation in the Expression of Comparison. – Chicago: Cornell University, 2005. – 19 p.

<sup>12</sup> Мукаррамов М. Сравнения и способы их выражения в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 21 с.

<sup>13</sup> Худайберганодал Д.С. Ўзбек тилидаги ўхшатиш конструкцияларнинг семантик-стилистик хусусиятлари: Филол. фан номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1989. – 22 б.; Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати / Н. Махмудов, Д. Худайберганодал. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

ноўхшашлик микромайдонлари) ва усуллари бир хиллиги, яъни компаративлик иккала тилда ҳам лексик, морфологик ва синтактик усулларда ифодаланиши ҳам ушбу бобда мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди. Яъни, ўзбек тилида компаративлик лексик усулда ифодаланганда кўмакчи, сифат, феъл, от каби сўз туркумлари ҳамда «ўзи» олмоши, морфологик усулда ифодаланганда қўшимчалар, синтактик усулда ифодаланганда эса чоғиштириш, ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапларнинг аҳамияти очиб берилди.

Компаративлик категорияси билан ўхшатиш (симиле) ва метафора каби ўхшашликка асосланган стилистик омилларнинг боғлиқлиги ҳақида шундай фикр юритилди, яъни ўхшатиш нутқнинг эмоционаллигини ошириш мақсадида иккита ҳар хил синфга мансуб предметни таққосласа, компаративлик бир гуруҳга мансуб иккита предметни қиёслайди. Бу билан ўхшатиш ифодаланган гапда компаративлик ифодаланмаган, деб бўлмайди, балки соф компаративлик ифодаланган гапда ўхшатиш ифодалана олмайди.

Метафора қўлланган гапда компаративликнинг ифодаланиш имконияти чекланади. Аслида, компаративлик натижасида метафоранинг ифодаланишини кузатдик. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш керакки, метафора ўзи қўлланган гапдан компаративликнинг ифодаланишини сиқиб чиқаради. Бу стилистик омил доимий ўхшашликни англатса, компаративлик иккита предмет орасидаги доимий ва ўткинчи ўхшашликни ҳам ифодалайди.

Демак, ўхшатиш ва метафоранинг вазифаси компаративликнинг функцияси билан яқин турсада, уларнинг қўлланилиш семантикаси бири-бирдан анча фарқ қилади.

Бобнинг тадқиқотда фойдаланилган лингвистик методларга бағишланган бўлимида гапларнинг синтактик таҳлиliga тилшуносларнинг турлича ёндашиши ва бунинг натижасида турли-туман мунозарали фикрлар пайдо бўлиши ҳақида гап кетади. Анъанавий грамматикада гап бўлаклари савол қўйиш йўли билан ёки сўз тартиби ёрдамида таҳлил қилинади. Бу эса гап бўлаклари таҳлилида тилшуносликда янгича лисоний методларга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Бу эҳтиёж компаративликни тадқиқ қилишдаги турли-туманликда ҳам яққол кўзга ташланади. Бизнинг назаримизда, ушбу муаммолар ечимини инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик категориясини чоғиштириб ўрганиш, гапларни компонентларга ажратиб чоғиштира тарзда таҳлил қилиш ҳамда синтаксемаларга ажратиб, уларнинг вариантларини инвентаризация қилиш, шунингдек, чоғиштира таҳлил воситасида ҳар иккала тилда компаративликнинг изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини аниқлаш орқали анча ойдинлаштирилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларида компаративликнинг синтактик ўрни**» деб номланди. Юқорида таъкидаланганидек, компаративлик категория сифатида мантикий нуқтаи назардан тилларнинг лексик, морфологик, стилистик сатҳларида унинг ифодаланиш усулларига кўра қисман бўлсада ўрганилган. Аммо махсус тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек тиллари синтактик сатҳида

компаративликни ифодаловчи элементларнинг гапдаги ўрни, яъни компаративлик қайси гап бўлагига нисбатан ифодаланиши атрофлича ўрганилмаган. Шу мақсад йўлида компаративлик ифодаланган гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш усулини қўллашни жоиз деб топдик ва бу таҳлил асосан қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

компаративлик ифодаланган гап таркибидаги синтактик бирликларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш;

компаративлик ифодаланган гапдаги компонентларнинг дифференциал синтактик белгиларини изоҳлаш;

компаративликнинг ифодаланиш усуллариини компонент моделлар ёрдамида ёритиш;

турли тизимли тиллар мисолида синтактик сатҳда компаративликни ифодалаб келган элементларнинг гапда тутган ўрнини аниқлаш;

компаративлик категориясининг тил сатҳлариаро боғлиқлиги ва фарқли томонларини ўрганиш.

Компаратив элементли гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш анъанавий синтактик таҳлилдан юқорида келтирилган тамойиллар билан фарқланади. Мазкур ишда гапнинг синтактик таҳлил жараёни гап бўлакларига ажратиб таҳлил қилишдан фарқли ўлароқ, гап бўлаклари деб фойдаланиладиган атамалар бошқа атамалар билан алмаштирилди, яъни эга ўрнига ядро предикатив 1 (NP 1), кесим ўрнига ядро предикатив 2 (NP 2), иккинчи даражали бўлақлар ўрнида келган синтактик бирликлар эса тобе компонентлар (ND) каби лингвистик атамаларга<sup>14</sup> ўзгартирилди. Бундай дифференциал синтактик белгилар синтагматик йўналишда элементларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш усули билан ажратилади.

Компаратив бирикмалар гап қурилмасида турлича синтактик ўринларда келиши мумкин, яъни улар ядро компонентлар (эга ёки кесим) ёки тобе компонентлар (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) ўрнида берилади. Бундан хулоса келиб чиқадики, гапда эга ҳам, кесим ҳам ва шулар каби тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол ҳам қиёсланиши мумкин. Гап таркибида келган компонентларнинг ўзаро синтактик алоқаларининг таҳлили моделлаштириш, яъни юнкцион моделлар тузиш усули ёрдамида амалга оширилади. Юнкцион модель горизонтал йўналишда тузилиб, гап таркибидаги компонентларнинг реал дистрибуциясини ҳамда бир-бирига боғлиқ муносабатларини ифодалайди.

Мавжуд синтактик алоқалар асосида гап компонентларининг дифференциал синтактик белгилари ва уларнинг морфологик хусусиятлари компонент моделлар орқали изоҳланади.

Гап таркибида эгага нисбатан ифодаланган компаратив бирликлар инглиз ва ўзбек тилларида юнкцион ҳамда компонент моделлар асосида чоғиштириб таҳлил қилинди. Маълумки, ҳар қандай икки таркибли гапларда

---

<sup>14</sup> Усмонов Ў.У. Тўлиқсиз гапларнинг типологик таҳлили // Республика илмий-назарий материаллари тўплами. – Самарқанд, 1996. – Б. 90; Усмонов Ў.У. Тўлиқсиз гапларнинг синтактик таҳлили ҳақида // Илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. – Б. 171.

асосий компонентлар ядро компонентлар, яъни ядро предикатив 1 (NP 1) ва ядро предикатив 2 (NP 2) элементлари ҳисобланиб, улар бир-бири билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Ядро предикатив алоқанинг муҳим хусусиятлари асосан икки ҳодиса билан чамбарчас боғлиқдир. Аввламбор, унинг бошқа синтактик алоқалардан фарқи шундаки, ядро предикатив алоқа бошқа синтактик алоқаларга тобе бўлмаган ҳолда, ўзи мустақил равишда тугал фикрни англатувчи синтактик бирликларни олади, ундан ташқари, у тенг ҳуқуқли икки ядро компонентни ўзаро боғлайди. Шунинг учун ҳам ядро предикатив алоқа юнкцион моделларда икки томонга йўналтирилган ва икки томонлама кўрсаткичга эга бўлган белги ёрдамида берилади. (  $\longleftrightarrow$  ).

*Their lives were short as mine*<sup>15</sup>.

Бу одам *отамиздек меҳрибон*<sup>16</sup>.

Бу мисолда ядро предикатив 1 (эга) вазифасида келган *lives*, *одам* элементлари ядро предикатив 2 вазифасида келган *short*, *меҳрибон* билан ядро предикатив алоқа асосида боғланса, *mine*, *отамиздек* элементлари тобе компонентлар ҳисобланиб, субординатив алоқа асосида гапда иштирок этапти. Бунда эгани ифодалаётган объект қиёсланувчи объект, тобе компонентни ифодалаётган объект эса намуна объект саналади. Шу фикрга таяниб, бу гапларда компаративлик эгага нисбатан ифодаланаётганини таъкидлаш мумкин.

Юнкцион моделда субординатив алоқа тобе элементни ҳоким элементга йўналтирувчи бир чизик кўрсаткичли ( $\rightarrow$  ёки  $\leftarrow$ ) белги билан белгиланади. Юқоридаги мисолларнинг барчаси бир хил юнкцион моделга мос тушади. Аммо инглиз тили гапларидаги сўз тартиби (SVO – subject-verb-object, яъни эга-феъл-тўлдирувчи) ўзбек тилидагидан (SOV) фарқ қилади.



**Юнкцион модель – Ю.М.**

Синтактик алоқалар ифодаланган юнкцион моделлар асосида бу гапларда иштирок этган синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгиларини аниқлаймиз. Гаплардаги биринчи компонентлар *lives* ва *одам* ядро предикатив 1 – NP1 (N – nuclear, P1 – predicated) белгиси билан белгиланади, *were short* ва *меҳрибон* компонентлари эса ядро предикатив 2 – NP2 (N – nuclear, P2 – predicating), кейинги *as mine* ва *отамиздек* компонентлари ядро бўлмаган тобе  $\check{N}D$  ( $\check{N}$  – non-nuclear, D – depended) белгиси билан белгиланади:

NP1 • NP2 •  $\check{N}D$ ;

NP1 •  $\check{N}D$  • NP2; **Компонент модель – К.М.**

Таъкидлаш лозимки, гапларнинг компонент моделлари фақат дифференциал синтактик белгилар билан чегараланиб, унда компонентларнинг формал томони, яъни уларнинг морфологик жиҳатдан ифодаланишидаги фарқлар ёки ўхшашликлар тўлиқ ўз аксини топмайди. Шунинг учун ҳам айрим белгилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булар

<sup>15</sup> Tracy Chevalier. *Falling Angels*. – New York: A Plume Book, 2002. – P. 285.

<sup>16</sup> Мирмухсин. *Асарлар: 4 жилдлик. 3-жилд. Меъмор: Чотқол йўлбарси: Романлар*. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 86.

қуйидагилар: мустақил сўз туркумлари (бош ҳарфлар билан): S – от; Sdv – тўлиқсиз феъл билан келган от; Spr – отнинг шахс қўшимчаси билан келиши; Sl – ўринни ифодаловчи қўшимча билан келган от; Sg – қаратқич келишиги шаклидаги от; Sps – эгалик қўшимчаси билан берилган от; A – сифат; Apr – шахс қўшимчаси билан берилган сифат; Adv – равиш; Nu – сон; Pnp – кишилик олмоши; Pnps – эгалик олмоши; Pnr – ўзлик олмоши; Pnrc – биргалик олмоши; Pndm – кўрсатиш олмоши; Pnint – сўроқ олмоши; Pnind – ноаниқ, гумон олмоши; Pnng – бўлишсизлик олмоши; V – феъл; Vf – феълнинг шахсли шакли; Vinf – инфинитив; Vcon – феълнинг давомли замондаги шакли; Vp1 – ҳозирги замон сифатдоши; Vp2 – ўтган замон сифатдоши; Vpas – феълнинг мажхул нисбатдаги шакли; Vg – герундий; Ven – перфект замон шаклидаги феъл; Vimp – буйруқ шаклида берилган феъл; ёрдамчи сўз туркумлари, яъни модал, боғлама феъллар, предлоглар кичик ҳарфлар билан белгиланади: p – предлог; m – модал феъл; aux – ёрдамчи феъл; c – боғлама феъл; ng – негативлик.

Юқорида қайд этилган белгилар асосида мисолларнинг тўлиқ компонент моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

... *lives were short as mine.*


NP1 . NP2 . ND  
S cA Pnps ;

... *одам отамиздек меҳрибон.*

NP1 . ND . NP2  
S A A ; **К.М.**


Гапда кесимга нисбатан келган компаративликни ифодаловчи элементлар инглиз ва ўзбек тилларида компонентларга ажратилиб, моделлаштириш (юнкцион, компонент) усули ёрдамида чоғиштириб таҳлил қилинди.

*I dress up as Robin Hood*<sup>17</sup>.

 **Ю.М.**

NP1 . NP2 . ND  
Pnp Vf S ; **К.М.**

*Биз ўзбеклар асаларимисол тинмай уй соламиз*<sup>18</sup>.

 **Ю.М.**

NP1 . ND . NP2  
Pnp Adv Vf ; **К.М.**

Бундан ташқари, эга ва кесимга нисбатан келган компаратив бирликлар синтактик алоқаларидаги фарқи мисоллар орқали кўрсатиб берилди.

Эга:

*You're steady as a rock → A rock is steady as you.*

*Сиз қоядек бақувватсиз → Қоя сиз каби бақувват.*

Кесим:

*I dress up as Robin Hood → Robin Hood dresses up as me.*


*Мен Робин Гуд сингари кийинаман → Робин Гуд мен каби кийинади.*


Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги тўлдирувчи ўрнида келган компаративлик ифодаланган гаплар компонент ва юнкцион моделлар асосида қуйидагича таҳлил қилинди.

*She saw him as a cardinal*<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> Tracy Chevalier. Falling Angels. – P. 261.

<sup>18</sup> Мирмуҳсин. Чотқол йўлбарси. – Б. 577.


Ю.М.
NP1 . NP2 .  $\tilde{N}D$  .  $\tilde{N}D$   
Pnp Vf Pnp S ; К.М.  
 У тоғдек қоматини тик тутиб турибди<sup>20</sup>.


Ю.М.
NP1 .  $\tilde{N}D$  .  $\tilde{N}D$  . NP2  
Pnp A S Vfaux; К.М.

Булардан ташқари компаративликнинг тўлдирувчи ва кесимга нисбатан ифодаланишининг бир-биридан фарқи мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди.

Тўлдирувчи:

*He had a nose like a sausage*<sup>21</sup>.

*Улар каталакдай бир ҳовлини сотиб олишди*<sup>22</sup>.

Кесим:

*He drove them like slaves.* → *He drove them like he drove slaves*<sup>23</sup>.


*Мен сизни ҳўкиздедек сўйиб кетаман,* → *Мен сизни ҳўкизни сўйгандек сўйиб кетаман*<sup>24</sup>.

Инглиз ва ўзбек тилларида компаративликнинг аниқловчига нисбатан ифодаланиши гапларни юнкцион ва компонент моделлар асосида қуйидагича чоғиштириб таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берилди.

*The daughter of a man like Senator Brander might be somewhat of an infant*<sup>25</sup>.


Ю.М.
NP1 .  $\tilde{N}D$  .  $\tilde{N}D$  . NP2  
S pS S m(c)Pnind; К.М.

*Тоғдай харсанг тошларнинг қулаб тушиши бир неча бор рўй берди*<sup>26</sup>.



Ю.М.
 $\tilde{N}D$  .  $\tilde{N}D$  . NP1 . NP2  
A Sg Vinfux Vf; К.М.

Инглиз тилидан фарқли ўлароқ ўзбек тилида фақат қаратқич аниқловчи эмас, балки сифатловчи аниқловчи ҳам қиёслана олиши мисоллар воситасида исботланди.

*Аридек гишишлаган овоз кайфиятини учириб юборди*<sup>27</sup>.

*Муаллимларга ўхшаб янгича кийинган киши кириб келди*<sup>28</sup>.

Инглиз ва ўзбек тили гапларида компаративликнинг ҳолга нисбатан келиши компаративлик ифодаланган гапларни компонентларга ажратган ҳолда моделлаштириб (юнкцион ва компонент модель) чоғиштира нуктаи назардан таҳлил қилинди.


NP1 . NP2 .  $\tilde{N}D$  .  $\tilde{N}D$

<sup>19</sup> William S.M. Theater. – М.: Международные отношения, 1979. – С. 242.

<sup>20</sup> Мирмуҳсин. Меймор. – Б. 122.

<sup>21</sup> Tracy Chevalier. Falling Angels. – P. 46.

<sup>22</sup> Ҳошимов Ў. Нимадир бўлди...: Ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 59.

<sup>23</sup> William S.M. Theater. – С. 27.

<sup>24</sup> Мирмуҳсин. Чодрали аёл: Афғон қиссаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 11.


<sup>25</sup> Dreiser Th. Jennie Gerhardt. – М.: Progress Publishers, 1972. – P. 184.

<sup>26</sup> Мирмуҳсин. Чотқол йўлбарси. – Б. 446.

<sup>27</sup> Мирмуҳсин. Чодрали аёл. – Б. 116.

<sup>28</sup> Мирмуҳсин. Чодрали аёл. – Б. 74.

<sup>29</sup> Nora Roberts. Midnight Bayou. – New York: Jove Books, 2002. – P. 242.



Диссертациянинг «Компаратив синтаксемалар парадигматикаси» деб номланган учинчи бобида компаратив элементли гаплар синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинди. Бобдаги бўлимлар компаративлик синтаксемасининг қайси категориал синтактик-семантик белги (субстанциаллик, процессуаллик ва квалификативлик) асосида ифодаланишига қараб ташкил қилинди. Ўз навбатида, бу бўлимлар ҳам компаратив синтаксема базасида ифодалана олувчи нокатегориал синтактик-семантик белгилар ҳисобига алоҳида кичик параграфларга ажратилди.

Мазкур ишда турли тизимли тилларда (инглиз ва ўзбек) компаративлик ифодаланган гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш билан тадқиқот ниҳоясига етди, деб бўлмайди. Чунки, компаративлик ифодаланган гапларни синтаксемаларга ажратиб, чоғиштирган ҳолда таҳлил қилиш тадқиқотнинг асосий моҳиятини очиб беради. Компаративлик ифодаланган гапларда иштирок этган ҳар бир синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари, яъни гапдаги ҳар бир компонентнинг гап қурилмасидаги ёки синтактик сатҳдаги семантик майдонини аниқлаш, унинг вариантларини топиш ва уларнинг маълум синтактик алоқалар асосида қандай синтаксемалар билан бириктириш имкониятларини аниқлаб, уларнинг ҳар иккала тилдаги изоморфлик ва алломорфлик кўринишларини ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Компаративлик ифодаланган гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш компонентларга ажратиб таҳлил қилишнинг давоми ҳисобланиб, бу икки усулдаги таҳлил бир-бирини тўлдирди. Гапнинг компонент таҳлили деганда, гапда иштирок этган элементларнинг ўзаро синтактик алоқалари, компонентларнинг дифференциал синтактик белгилари ҳамда уларнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш тушунилиб, бу гапнинг ташқи қурилмаси ҳисобланса, гапнинг ички қурилмасини синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш, яъни гапдаги ҳар бир компонентнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаб, уларнинг систем муносабатларини ўрганиш ҳисобланади.

